Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 5 август • № 31 (844)



## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

*Саломатлик ҳафталиги: Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин*

# ТИББИЙ КЎРИК САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ

***Хабарингиз борки, Соғлиқни сақлаш вазирининг 207-буйруғи асосида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида 24-30 июль кунлари юртимиз аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари якунланди. Мазкур тадбирда республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ҳамда юқори малакали шифокорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ва вилоятлар тиббиёт муассасаларининг мутахассислари ҳам аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишда фаол иштирок этдилар.***

***Таъкидлаш муҳимки, бўлиб ўтган тадбир давомида жойлардаги иш жараёнини кузатар эканмиз, биринчи навбатда ишларнинг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги ҳамда аҳолининг кўтаринки кайфиятда тиббий кўрикдан ўтаётганлигига гувоҳ бўлдик. Албатта бундай кенг аудиторияда ўтказилган тадбир ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунда давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, мутасадди вазирликлар, шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарларининг ҳамкорликлари боис, тиббий кўрикдан кутилган натижалар ўз ифодасини топиб, аҳоли бундан мамнун бўлди. Шундай экан, ушбу фаолиятларга ойдинлик киритиш мақсадида малакали мутахассислар ҳамда аҳоли билан суҳбатлашишни лозим деб топдик.***

**(Давоми 2-4-бетларда).**



## МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт тизими тубдан ўзгариб, барча соҳада бўлгани каби мазкур йўналишда ҳам кўпгина амалий ютуқлар, бир қатор изчил ислоҳотлар ва улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Бу жараёнда албатта, соғлом авлод баркамоллиги, она-бола муҳофазаси, соғлом оилани шакллантириш вазифаси устуворлик касб этади.

Яқинда давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси ва таклифи билан жойларда «Саломатлик ҳафталиги» доирасида ***«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин»*** шиори остида ўтказилган кенг миқёсдаги тадбирдан вилоятимиз аҳли ҳам ниҳоятда мамнун бўлди. Бу ўз навбатида халқимиз саломатлигини яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш, келажак авлод камолотига бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Пойтахтнинг нуфузли тиббиёт клиникалари, олий ўқув юртлари ва илмий марказларидан ташриф буюрган бир гуруҳ мутахассислар бир ҳафта мобайнида Жиззах вилоят фуқароларини тиббий кўрикдан ўтказдилар. Жумладан, вилоятнинг Пахтакор туманига ташриф буюрган Машкура Ризамуҳаммедова бошчилигидаги мутахассислар халқимиз саломатлигини текшириб, аниқ ташхис қўйиш ва касалликни самарали даволаш бўйича зарур маслаҳат ҳамда айрим беморларга эса марказий клиникаларда даволаниш учун махсус йўлланмалар бердилар. Эътироф этишимиз жоизки, ушбу тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамовнинг жараёнлар билан танишуви халқимизни янада хурсанд қилди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу тиббий кўрикни ташкил этган муҳтарам Юртбошимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, қолаверса, барча ташкилотчи раҳбарлар ва тажрибали мутахассисларига вилоят халқи номидан самимий миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

**Убайдулла ПИРНАЗАРОВ,**
**Жиззах вилояти Пахтакор туман «Чаманзор» қишлоғи, II гуруҳ ногирони,**
**Нигора ҚАРШИЕВА,**
**«Олтинкўл» маҳалласи, уй бекаси,**
**Гулчеҳра УСМОНОВА,**
**«Самарқанд» қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси,**
**Адолат ЖОНОБИЛОВА,**
**«Олмазор» маҳалласи, меҳнат фахрийси.**

## САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

***«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрик бутун республика, вилоят ва туманларнинг чекка қишлоқларидаги аҳоли қатламини кенг қамраб олди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг ҳар бирига пойтахтнинг нуфузли тиббиёт муассасаларидан 11 нафардан иборат ишчи гуруҳлари юборилди.***

Мутахассислар аҳолини кўрикдан ўтказиш давомида бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, уларга зарурий маслаҳат ҳамда йўлланмалар бериш билан бир қаторда, жойларда операция амалиётини ўтказишга ҳам муваффақ бўлишди. Бундай катта тадбир халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишдек хайрли ишда ўз самарасини кўрсатиб, республика бўйича 100621 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Эл соғлигини ўйлаб ана шундай имкониятларни яратиб бераётган Президентимиз Ислом Каримовга халқимиз ва барча тиббиёт ходимлари номидан ташаккуримизни билдирамиз.

**Фарҳод ОҚИЛОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори, профессор,**
**Озод НАЗАРОВ,**
**Республика аллергология маркази директори, профессор.**

## ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ ФАОЛИЯТ

***Фахр ва ифтихор туйғуси билан айтмоқчимизки, мустақиллигимиз шарофати билан тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Айниқса, соҳага замон талаблари даражасидаги янги технологияларнинг кириб келиши, малакали кадрлар сафи кенгаётганлиги ҳамда халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ортаётганлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.***

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олди давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан республика миқёсида ўтказилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остидаги тадбир бизларга ҳақиқий бебаҳо мукофот бўлди десак, янглишмаймиз. 25-26 июль кунлари Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор Феруз Назиров бошчилигидаги гуруҳ томонидан аҳолига бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрик бўлиб ўтди. Унда мутахассисларнинг юксак даражадаги тиббий хизмати, муомала маданияти, интизоми ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари, шунингдек, махсус флюорография хизмати машинаси ҳамда замонавий аппаратуралар орқали кўрсатилган саховатпешалик туманимиз аҳлини ниҳоятда мамнун этди.

Бунинг учун аввало Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ушбу тадбирда фидойиларча хизмат қилган тиббиёт ходимларига чин қалбдан миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

**С. ТЎХТАЕВ,**
**Янгийўл шаҳри, «Мезон» маҳалласи,**
**П. ЖЎРАБЕКОВА,**
**«Мезон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

*Саломатлик ҳафталиги: Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин*

**Навоий вилояти**

# ТИББИЙ ИМКОНИЯТЛАРДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН



**Дилором НАЖМУТДИНОВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси тиббий педагогика факультетининг УАШ ички касалликлар ва эндокринология кафедраси профессори:**

– «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиорининг танлаб олинганлиги бежиз эмас. Чунки, унинг мазмун-моҳиятида давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлган инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари мужассамлигини кўрамиз. Бундай тадбирнинг инсон ҳаёти учун нечоғлик муҳим эканлигини тушуниб етган кўп сонли аҳолининг кўтаринки кайфияти, тиббиётга бўлган ишончини кўриб, чарчоқ ҳиссини ҳам билмадик. Қабулга келганлар орасида кўпроқ қалқонсимон без ва қандли диабет касаллиги билан оғриганлар бўлиб, шулардан 50 нафар беморда қандли диабетнинг оғир тури ҳамда туғма гипотиреоз хасталиги аниқланди ва зарурий маслаҳатлар берилди. Айтиш лозимки, олдинги йилларга қараганда вилоятда даволаш ишлари ва кадрлар масаласига катта эътибор қаратилган. Мазкур ҳолат билан боғлиқ жараёнларга бевосита кўрик пайтида, аҳолини текширувдан ўтказиш мобайнида яна бир карра амин бўлдик.



**Нодирбек ҚОДИРОВ,**
**Республика 1-клиник шифохонаси УЗД врачи, тиббиёт фанлари номзоди:**

– Бир ҳафта давомида Навоий шаҳри ва вилоятининг Хатирчи, Навбаҳор, Конимех туманларидаги аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдик. Кунига 150 нафардан ортиқ фуқароларни УЗД текширувидан ўтказиб, уларнинг айримларида жигар эхинококки, буқоқ, ўт қопида сурункали холецистит ва пиелонефрит касалликлари борлиги аниқланди. Уларга касаллик тўғрисида керакли маълумотлар берилиб, мутахассисларга йўлланди. Ушбу тадбир кенг миқёсда олинганлиги сабабли, мурожаат этиб келаётган шахсларнинг кўпчилиги назоратга олинган ва сурункали хасталик билан оғриган беморларни ташкил этди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали УЗД врачи Б. Орзиев ва Хатирчи туман шошилинч тиббий ёрдам бўлими УЗД врачи К. Қораевлар иш жараёнида менга ҳамкорлик қилишди. Бу албатта, жойлардаги кадрлар учун амалий ёрдам бўлиши шубҳасиз. Тадбир учун барча шароит ва имкониятлар мавжудлигидан аҳоли янада мамнун бўлиб, бундай кўриклар тез-тез ташкил этилишини сўрашди.

**Фазлиддин НИЗОМОВ,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти урология, нефрология кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди:**

– Аввалламбор айтиш жоизки, бундай кенг миқёсда ўтказилган тиббий кўрик аҳолининг тиббиётга ишончи ва ўз соғлигига бўлган эътиборини оширди десам, янглишмаган бўламан. Навбатма-навбат кўрикка келаётган фуқаролар ўзларида кечаётган касаллик белгиларини эркин айта олишлари ва зарур тавсиялар беришимизга умид қилишлари яққол кўриниб турар эди. Шу ўринда айтиш керакки, даво муолажаларига муҳтож бўлган беморлар учун вилоят соғлиқни сақлаш тизимида бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Тиббий кўрик давомида айрим беморларнинг пойтахтдаги клиникаларда даволанишга эҳтиёжи борлиги аниқланди ва уларга керакли маслаҳат ҳамда йўлланмалар берилди. Шунингдек, 90 фоиз беморлар шу ернинг ўзида даволаниши учун барча шароитлар мавжуд. Агар кадрлар масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, улардаги касбий маҳорат етарли даражада бўлиб, илмий салоҳият сари интилишлари бор. Ушбу кўрик юқори савияда ўтаётганлиги бу ердаги ҳамкасбларимизнинг тажрибаларини янада ошириб, халқимизнинг соғликларига бўлган эътиборларини янада кучайтирди десам, муболаға бўлмайди.





**Неъматжон АБДУЛҲАҚОВ,**
**Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти катта илмий ходими, тиббиёт фалари номзоди:**

– Аввало, аҳоли саломатлигига катта эътибор қаратиб келаётган Президентимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан яратилаётган барча шароитларнинг замон талаблари даражасида эканлиги ҳар биримизни қувонтиради. Ташкил этилган ушбу тиббий кўрикнинг кенг аудиторияда ўтказилаётганлиги ҳам халқимиз соғлигини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу мақсадлардан биридир. Қабулимизга келган ҳар бир киши руҳиятида тиббиётга ишонч ва ўз соғлигларига бўлган эътиборини кўрдик. Бир кунда 100 нафардан ортиқ беморлар соғлигини кўрикдан ўтказиб, уларга муҳим маслаҳатларни бердик. Текширув жараёнида беморларда асосан таянч-ҳаракат системаси, яъни йирик кичик бўғим, туғма, остеопороз касалликлари аниқланди. 8 нафардан ортиқ бемор республика шароитида, шунингдек, I-II гуруҳ ногиронлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига қарашли соғломлаштириш марказига даволанишга тавсия қилинди. Таъкидлаш муҳимки, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида травматология ва ортопедия йўналишида даволаш ишлари яхши йўлга қўйилган.

## Миннатдорчилик туйғуси

**Муҳтарам ЖЎРАЕВА,**
**Хатирчи туман**
**«С. Гайбуллаев» кўчаси:**

– «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида тиббий кўрикни ташкил этган Президентимиз, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Бу албатта, халқимиз соғлиғини ўйлаб қилинган эзгу ишларнинг энг нуфузли амалий ифодасидир. Айниқса, пойтахтдан келган ва вилоят шифокорларининг иш жараёнидаги муомала-маданияти, билими, қолаверса, касаллигимизни ётиғи билан тушунтириши ҳамда керакли маслаҳат ва тавсияларни беришлари қалбимизни қувончга тўлдирди.

Пойтахтдан келган тажрибали кардиолог Баҳром Аляви соғлигимни текшириб кўргач, юрак соҳамдаги оғриқнинг асосий сабабларини тушунтириб, даво муолажалари олишимни ва ўз вақтида шифокор назоратида бўлишимни тавсия қилди.

Яна бир бор мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан амалга оширилган тиббий кўрик ташкилотчиларига маҳалламиз халқи номидан самимий миннатдорчилик изҳор этаман.



**Баҳром АЛЯВИ,**
**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази катта илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори:**

– Маълумки, кейинги йилларда аҳоли орасида камқонлик, буқоқ, юрак ишемик ва гипертония касалликларининг ошиб бораётганлиги ҳар бир мутахассис янада масъулият билан ишлашини талаб этмоқда. Аввало, ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратишимиз зарур деб ўйлайман. Қабулимизда бўлган аҳолининг кўпчилигида юрак ишемик ва гипертоник касаллиги борлиги аниқланди. Беморлар билан суҳбат жараёнида ҳар бир касалликнинг келиб чиқиш сабаби асосан, асаб бузилиши, стресс, нотўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик оқибатида юзага келишига амин бўлдик. Ташкил қилинган ушбу тадбир аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, тиббиёт ходимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва амалий билимларни янада бойитди десам, янглишмаган бўламан.



**Қаҳрамон ҚЎЧҚОРОВ,**
**Навоий вилоят флюорография маркази бошлиғи:**

– 2009 йилдан буён халқимизга хизмат кўрсатиб келаётган махсус флюорография машинасининг афзаллиги шундаки, унинг ичида бемор учун махсус хона ҳамда мутахассис бошқарадиган компьютер жамланмаси мавжуд. Компьютерда фуқаронинг исми-шарифи, яшаш жойи, туғилган йили ҳамда касаллик тўғрисидаги маълумот жойлаштирилади. Бундан ташқари, беморнинг ўпка аъзоси ҳам компьютерга тўғридан-тўғри туширилади. Ўтказилган тиббий кўрик жараёнида ўпка фаол сили, сурункали бронхит, бирламчи юрак қон-томири, ўпканинг сурункали яллиғланиш касалликлари аниқланди. Аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган ушбу тиббий кўрик республика миқёсида ўзининг юқори савиясига эга бўлиб, халқимиз бундан жуда мамнун бўлди. Шу ўринда Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва барча мутасадди раҳбарларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Чунки, бундай тадбирларнинг кенг миқёсда ташкил этилиши аҳоли орасида касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

(Давоми 3-бетда).

Тошкент вилояти

## Саломатлик ҳафталиги: Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин

Наманган вилояти



**Роза ДЖУБАТОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор:**

– Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олди ташкил этилган «Саломатлик ҳафталиги» доирасидаги чуқурлашган тиббий кўрикнинг самарали томони шунда бўлдики, беморлар саломатлигини тиклаш ҳамда кўплаб касалликларнинг олди олинишига эришилди. Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри, Пискент, Ангрен, Бекобод, Олмалиқ туманларида истиқомат қилаётган болажонларнинг соғликлари текширилиб, ота-оналарига тегишли маслаҳатлар берилди. Уларда нафас йўллари, гижжа, таянч-ҳаракатининг бузилиши, аллергия ва нотўғри овқатланиш натижасида келиб чиқадиган касалликлар аниқланди. 20 нафарга яқин болалар республика клиникаларига даволаниш учун жўнатилди. Давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимликлар ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида олиб борилган бундай савобли иш келажак фарзандларимиз соғлом ва баркамол ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

***Кенг миқёсда ўтказилган мазкур тадбир барча вилоятлар қатори Наманган вилоятида ҳам ўзига хос кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Бу албатта, тажрибали мутахассисларнинг ҳафта давомида астойдил қилган меҳнатлари туфайли вилоятнинг барча туманларидаги аҳоли қамраб олинди. Бинобарин, «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиоридан руҳланган вилоят аҳолисининг мамнунлик билан тиббий кўрикдаги иштирокларни уларнинг соғлиқларига бўлган эътибори юқори эканлигидан далолат бериб турарди.***



Ушбу тадбирга республика ихтисослаштирилган, илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари етакчи олимлари, малакали мутахассислари жалб этилиб, вилоятлик ҳамкасблари билан аҳоли соғлигини назоратдан ўтказдилар. Бу жараёнда асосан эътибор оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳамда туғиш ёши-

# ТАШАББУС ВА ЭЪТИБОРНИ ҚАДРЛАБ



**Миршавкат АКБАРОВ,
Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази жигар ва ўт йўллари касалликлари бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори:**

– Олти кун давом этган тиббий кўрик биргина Тошкент вилоятида эмас, бутун республикамиз миқёсида ўз нуфузига эга бўлди десам, хато қилмайман. Ишчи гуруҳлар фаолият давомида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш билан бир қаторда, беморларга амалий ёрдам кўрсатиш баробарида кичик ва катта операция жараёнларини ҳам муваффақиятли олиб боришди. Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор Феруз Назиров бошчилигидаги гуруҳ Тошкент вилоятида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш давомида Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифохонасида Олмалиқ шаҳри, Бўка ва Оҳангарон туманларидан келган беморлардан бирининг жигаридаги эхинококкозни ва яна бир нафарини эса ошқозон яраси перфорациясининг тарқалган перитонитини хирургия йўли билан операция қилишди. Шунингдек, беморларнинг яна бир қисми республика ихтисослаштирилган марказларида операцияга тавсия қилинди. Келгусида вилоят, туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида ўтказиладиган операция жараёнларида Республика ихтисослаштирилган хирургия марказидан мутахассислар иштирок этиши режалаштирилди.



**Шуҳрат МУХТОРОВ,
Республика ихтисослаштирилган урология маркази директор ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори:**

– Бу тадбирда бизнинг соҳа мутахассислари ҳам аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш борасида фаол иштирок этдилар. Айниқса, ўзларида кечаётган касаллик белгиларини тушунтириб бераётган беморларга қараб, халқимизнинг тиббий саводхонлиги янада ошганлиги ҳамда ўз саломатликларига бўлган эътиборларини кўриб қувондик. Шунингдек, бундай тадбирнинг аҳоли томонидан қўллаб-қувватланганлиги барча тиббиёт ходимларини янада масъулият билан ишлашга ундайди.

**Абдумалик ҲАКИМОВ,
Тошкент тиббиёт академияси отоларингология кафедраси мудири, профессор:**



– Ўтказилган ҳафталик бежизга «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» деб номланмади. Чунки ушбу тадбирга кам таъминланган оилалар, шифокор назоратидаги беморлар ва пенсионерлар кўпроқ жалб этилди. Текширувга келган аҳолининг кўпчилигида бурун ва ҳалқум аллергик, гайморит, қулоқ сурункали касалликлари ва бурундан қон кетиш ҳолатлари аниқланди. Ташҳиси оғир бўлган беморлар республика тиббиёт муассасаларида даволанишлари учун йўлланмалар берилди. Ана шундай кенг қамровли ҳафталиклар тез-тез ташкиллаштириб турилса фойдадан холи бўлмасди ва қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олишга муваффақ бўлар эдик.



**Ирина ЮЗБАШЕВА,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази УЗД врачи:**

– Иш вақтимиз тугасада, навбатда турганларни ранжитмаслик учун, бир эмас, 2-3 та УЗД аппаратида мутахассисларимиз текширувни давом эттиришди. Қарангки, фуқаролар УЗД аппаратига тушиш учун катта ишонч билан келишган. Беморларнинг ўт қопидаги сурункали яллиғланиши, ошқозон ости бези, буйракдаги пиелонефрит, яна бир қанча касалликларни аниқлаб, керакли мутахассисларга юбордик. Албатта, юқори савияда ўтказилган ушбу тадбир биз врачларнинг касбий маҳоратимизни оширган бўлса, халқимизни эса ўз саломатлигига янада эътиборли бўлишга ундайди.

даги аёлларни соғломлаштиришга қаратилди. Шу боис ҳам замонавий тиббиёт асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланилди. Айниқса, УТТ текширувига мурожаатлар сони нисбатан кўпайди.

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти УТД кафедраси доценти О. Алимардонов биз билан суҳбатда шундай дейди:**

– Бу ерда бир пайтнинг ўзида тўртта УЗИ аппарати ишлаб турибди. Ташриф буюрувчи Ш. Шораҳимованинг ҳомиласини ҳозиргина текшириб кўрдик, – дейди у. – Туғилажак фарзанд яхши ривожланмоқда. Бироқ, онадаги касаллик хавотирли. Шу боис ҳам унга зарур маслаҳатларни бердик.



**Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти болалар ортопедияси бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор А. Жўраев** фаолият олиб бораётган хонада мурожаат этувчилар кўпчиликни ташкил этади. Қабулдан чиқаётган И. Арслоновни суҳбатга тортамиз:

– Ўғлим Ортиқалининг қўли синиб қолган эди. Уни даволаш қийин кечаётганлигидан ташвишландик. Таниқли олимдан зарур йўл-йўриқни олиб, кўнглим жойига тушди.

**Бинобарин, мазкур поликлиникада Чуст ва Мингбулоқ туманларидан келган фуқароларга ҳам тиббий хизмат кўрсатилди.**



Тадбирдаги яна бир муҳим жиҳат эътиборга молик. Гап ташриф буюрувчиларнинг флюорографик текширувга жалб қилинганлигида бормоқда. «Проскан-2000» рақамли флюоромобиль ёрдамида вилоят силга қарши кураш диспансери врач-рентгенологи К. Ҳамзаев раҳбарлигидаги мутахассислар гуруҳи барчанинг саломатлигини назоратдан ўтказишга муваффақ бўлдилар.

**Саломатлик ҳафталиги тадбирлари Уйчи, Учқўрғон ва Чортоқ туманларида ҳам оммавий тус олди.** У ерда ўз соҳасининг етук билимдонлари ўн бир йўналиш бўйича текширувлар олиб бордилар.

– Мен кардиолог-шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Х. Турсуновнинг қабулида бўлганимдан ғоят шодман, – дейди Уйчи шаҳарчасида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Нигора Аҳророва. – Таниқли врачларнинг туманимизга келиб, беморларга кўрсатаётган ёрдамидан ҳамма миннатдор бўляпти. Кўрик баҳона тажрибали олимларнинг маслаҳатларини олишга муваффақ бўлдик. Саломатлик ҳафталигини уюштирган раҳбарларга миннатдорчилик айтамиз. Буни давлатимизнинг аҳоли саломатлигини муҳофазалаш учун кўрсатаётган бекиёс ғамхўрлиги, деб биламиз.

**Тошбулоқ туман тиббиёт бирлашмасида** бўлиб ўтган саломатлик ҳафталигида Наманган, Норин ва Тўрақўрғон туманларида яшовчи фуқаролар фаол иштирок этдилар. Тадбир давомида олим-шифокорлар яна бир хайрли ишга жалб этилди. Поликлиникаларга кела олмайдиган дарди оғир беморларнинг хонадонларига борилиб, касалликларга ташҳис қўйилиб, даволанишга оид зарур маслаҳатлар берилди.



– Ташкилий ишлар талаб даражасида йўлга қўйилганлиги боис, тадбирда юксак самарадорликка эришилди. Қисқа фурсат ичида беш минг нафардан зиёд кишининг саломатлиги текширилди, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими И. Ўринбоев. – Айниқса, офтальмолог, травматолог, невропатологларга мурожаат қилувчилар кўп бўлди. Албатта, тиббий кўрик натижалари чуқур таҳлил қилинади. Касаллик кўрсаткичлари мониторинги юзасидан якуний хулосалар чиқарилади. Бу хулосалар соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштиришга туртки бериши аниқ.

**Дарҳақиқат, истиқлолнинг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган бир паллада ниҳоясига етказилган саломатлик ҳафталиги тиббий хизматга эҳтиёж сезаётган ҳамюртларимизнинг дардларига шифо излашда муҳим омил бўлди. Энг асосийси, ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмади.**

**(Давоми 4-бетда).**

Қорақалпоғистон Республикаси

*Саломатлик ҳафталиги: Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин*

Сурхондарё вилояти

# ЭЗГУЛИКНИНГ МАНЗИЛЛИ ЙЎЛЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даволашнинг замонавий услубларини кенг жорий этиш, диагностика тизимини янада ривожлантиришга қаратилган эътибор аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, она ва бола саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.**



Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан малакали тиббиёт мутахассисларидан таркиб топган шифокорлар гуруҳи жойларда бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказдилар. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган тадбирда пойтахтимиздан келган шифокор-олимлар юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг самаралари, тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар, турли касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашда янги технологияларнинг қўллашнинг амалий натижалари ҳақида сўз юритдилар.

– Кардиолог, терапевт, невропатолог, УЗИ диагностикаси, кўз касаллиги бўйича малакали мутахассислардан иборат гуруҳимиз бир ҳафта мобайнида Қорақалпоғистон Республикасининг туман ва овулларида бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказдилар, – дейди уролог-шифокор, профессор, гуруҳ раҳбари Мирзағолиб Тиллашайхов. – «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди» шиори остида бошланган саломатлик ҳафталигининг дастлабки кунида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиалида бўлиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

Ҳафталик давомида шифокоролимлар Нукус шаҳри, Қораўзак ва Қўнғирот туманларида бўлиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятини юксалтириш, шифохоналар, кўп тармоқли поликлиника, қишлоқ врачлик пунктларида тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ишларида жойлардаги тиббиёт ходимларига кўмаклашдилар.

– Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, – дейди Қораўзак тумани марказида яшовчи Ниятбой Ўсербоев. – Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами олдидан ташкил этилган бу тадбирдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Негаки, мана шу ернинг ўзида пойтахтлик етакчи олимлар ва катта тажрибага эга мутахассисларнинг маслаҳатларини олдик, шунингдек, саломатлигимизни тиклаш учун шароит яратилди.

**Жорий йилнинг 24-30 июль кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида саломатлик ҳафталиги бўлиб ўтди. Денов шаҳар 1-сон катталар поликлиникасида ҳам юқори малакали шифокорлар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилди.**

Ушбу тадбирда мутахассислар Денов, Сариосиё, Узун, Шўрчи, Олтинсой туманларидан келган 1712 нафар бемор соғлигини назорат қилиб, керакли тавсия ва маслаҳатларини бердилар. Кўрик давомида беморлар рентген, флюорография, УЗИ, эндоскопия ва клиник биохимия лаборатория текширувларидан ўтдилар.

**И. ХУДОЙНАЗАРОВ,**
**Денов туман «Саломатлик маркази» директори,**
**А. ХАЙБИЛОВ,**
**олий тоифали шифокор:**



– Беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ташкил этилган тиббий кўрик жараёнлари халқимиз томонидан катта мамнуният билан қарши олинди. Бу тадбир аҳоли саломатлигини сақлаш борабарида, уларнинг соғлиқлари ва тиббиётга бўлган ишончи ҳамда эътиборини янада кучайтирди. Ҳафталик давомида пойтахтлик мутахассислар ва вилоятимиз шифокорлари аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. Қувонарли томони шундаки, «Саломатлик ҳафталиги» даврида кўпроқ она ва бола саломатлигини яхшилаш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, айниқса, ногирон беморларни реабилитация қилиш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишларига катта эътибор қаратилди. Тиббий кўрикдан ўтган фуқаролар муҳтарам Президентимиз, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазири А. Икрамова ва бошқа бир қанча ташкилотчиларга кўрсатилган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдор эканликларини баён қилдилар. Албатта, кенг қамровли тадбирларнинг тезтез ўтказиб турилиши тиббиёт ислоҳотлари кўламини янада кенгайтириб, саломатлик кўрсаткичлари яхшиланишида ўз самарасини беради.

## Самарқанд вилояти

***Хабар қилинганидек, республикамизнинг барча ҳудудларида оммавий саломатлик ҳафталиклари ўтказилди. Жумладан, Самарқанд вилояти аҳолиси ҳам ана шундай ташаббус ва имкониятдан баҳраманд бўлди. Вилоятда бошланган ҳафталик доирасида олис туманлар аҳолиси, айниқса, диспансер ҳисобида турадиган беморлар, ногиронлар, хотин-қизлар ва ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга зарур тиббий ёрдам ҳамда тавсиялар бериш, юқумли, шунингдек, бошқа касалликларнинг олдини олиш юзасидан кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилди.***





– Ҳафталик давомида Самарқанд шаҳар ва вилоятнинг еттита туман аҳолиси қамраб олинди, – деди саломатлик ҳафталигини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош офтальмологи Зафар Сиддиқов. – Бунинг учун юртимиздаги етакчи тиббий муассасаларнинг ўндан зиёд юқори малакали профессорлари, тиббиёт фанлари номзодлари Самарқандга келишган. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳар бир йўналиш бўйича бош врачлари ҳам гуруҳ таркибида жойларга чиқиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишга кўмаклашмоқда. Айтиш мумкинки, энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан ўтказилаётган мазкур тадбир юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишдек устувор мақсад мужассам эканидан далолатдир. Маълумотларга кўра, ҳафталикнинг дастлабки икки кунида Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникасида мазкур туман, шунингдек, Оқдарё ва Қўшработ туманларидан икки мингдан зиёд аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга керакли тиббий ёрдам ва тавсиялар берилган.

– Ҳафталик тадбирлари юқори савияда ташкил этилмоқда, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Бахтиёр Рустамов. – Тиббий кўрик ўтказиладиган муассасалар энг сўнгги русумдаги ЭКГ, УЗИ, рентген, эндоскопия, лапороскопия аппаратлари билан жиҳозланган. Клиник лаборатория ишлаб турибди. Бундан ташқари, аҳоли рақамли флюорография аппарати ёрдамида кўрикдан ўтказилди. Тиббий текширувлар натижасида аниқланган хасталикларни даволаш учун туман, вилоят ва республика миқёсидаги даволаш-профилактика муассасалари, тиббий марказларга йўлланмалар берилди. Тадбир давомида жойларда соғлом турмуш асослари, оилада тиббий маданиятни ошириш юзасидан давра суҳбатлари ўтказилди.

– Анча вақтдан буён кардиосклероз хасталигидан азият чекаман, – дейди оқдарёлик Марҳабо Йўлдошева. – Бугун Тошкентдан келган врачлар саломатлигимни текшириб кўриб, аниқ ташхис қўйишди. Зарур тавсиялар билан бирга, Республика кардиология марказига йўлланма беришди. Ушбу тадбир ташкилотчиларидан миннатдорман.

Ҳафталик давомида Пахтачи, Нарпай, Тойлоқ ва Ургут туманлари аҳолиси ҳам тиббий кўрикдан ўтказилди.

# ТИББИЙ КЎРИК САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ

***Ҳа, республикамиз миқёсида ўтказилган «Саломатлик ҳафталиги» доирасидаги «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори билан ташкиллаштирилган тиббий кўрикнинг муваффақиятли якунланганлиги аҳолининг чексиз эътирофига сазовор бўлди.***

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбирга 11 йўналишдаги (терапевт, хирург, травматолог, невропатолог, уролог, педиатр, офтальмолог, ЛОР, эндокринолог, кардиолог, УТТ мутахассислари) соҳа бўйича тиббиёт фанлари докторлари, доцент ва профессорлардан иборат, жами 143 нафар мутахассислар сафарбар қилинган эди. Уларга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг тегишли соҳа бўйича 150 нафар бош мутахассислари бириктирилди. Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманига, Жиззах вилоятининг Зомин ва Зарбдор туманларига республика тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларидан 20 нафар доцент ва профессорлардан иборат мутахассислар қўшимча жалб этилди. Шу билан бирга, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали ва Самарқанд, Бухоро, Андижон Давлат тиббиёт институтлари профессор-ўқитувчилари ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг 75 нафар мутахассислари тегишли вилоятларнинг узоқ ҳудудларига тиббий кўрик ўтказиш учун сафарбар қилинди. Ишчи гуруҳлар фаолияти учун флюоромобиллар, УТТ ва ЭКГ аппаратлари бириктирилди. Тадбирнинг 6 куни мобайнида республика бўйича жами 100621 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бунинг баробарида «Туғиш ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш» ҳафталигида республиканинг 39 та туманидаги 117 та қишлоқ врачлик пунктларида 35673 туғиш ёшидаги аёллар ва 22275 нафар ўсмир қизлар ҳамда болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида кўрсатмаси бўлган аёлларнинг 2331 нафарида бачадон ичи воситаси ва 994 нафарида ихтиёрий хирургик контрацепция амалиёти қўлланилди.

**Эзгуликнинг чеки йўқ деганларидек, бу каби кенг миқёсли тадбирлар бундан кейин ҳам мунтазам равишда давом этишига ишонамиз.**

**1-4-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА,**
**Намоз ТОЛИПОВ тайёрлашди.**
**Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА,**
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*К 20-летию независимости*

# ДОСТИЖЕНИЯ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ










В первые годы независимости экономические и организационные проблемы требовали решения задач сохранения кадрового потенциала и организационной структуры НИИ травматологии и ортопедии. Несмотря на экономические трудности переходного периода, сотрудники института продолжали проводить научные исследования по всем направлениям травматологии и ортопедии. За эти годы разработаны способ остеосинтеза с применением углеродных имплантантов, метод лечения переломов шейки бедра. Также разработаны компрессионно-дистракционные аппараты для репозиции и фиксации костных отломков, устройства для лечения переломов костей предплечья, плечевой кости, бедренной кости. Разработаны аппаратно-хирургические методы лечения врожденной косолапости, косорукости, варусной деформации шейки бедра у детей. Впервые применен артроскоп для диагностики и лечения патологии коленного сустава и разработан способ восстановления крестообразных связок путем применения пластического материала.

С 1997 года обозначен ряд приоритетных задач перестройки деятельности института с учетом особенностей рыночной экономики. Это – овладение техникой и внедрение самых современных зарубежных технологий в лечение травматолого-ортопедической патологии, повышение квалификации научных сотрудников института в лучших ортопедических клиниках зарубежья, переоснащение института современным лечебно-диагностическим и научным оборудованием, тотальная компьютеризация, восстановление научных связей с иностранными специалистами и клиниками.

